



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ҳожиев Набулло Миртемирович

ИИВ Академияси магистратура

Хуқуқий фанлар кафедраси

катта ўқитувчиси

Телефон: (+99890)-979-65-54

Телеграм: (+99890)-979-65-54

e.mail: nhojiyev@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7418502>

ARTICLE INFO

Received: 28th November 2022

Accepted: 08th December 2022

Online: 09th December 2022

KEY WORDS

Ахборот технологиялари, тезкор-қидирув фаолияти, хуқуқий тартибга солиш, қонун ҳужжатлари, хуқуқий муносабатлар объекти ва субъекти.

Ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хуқуқий асослари, моҳиятига кўра тезкор-қидирувнинг бошқа воситалари ва усуллари билан бир хил. Юриспруденцияда хуқуқий тартибга солиш деганда хуқуқий нормаларни белгиловчи, зарур ҳолларда, ушбу муносабатлар доирасида вужудга келадиган хуқуқий масалалар бўйича тартибга солувчи қарорлар қабул қилувчи давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти тушунилади. Шу билан бирга, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг хуқуқий асослари деганда, унинг мақсади, вазибалари ва принципларини белгилайдиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари тушунилади. Бу ҳужжатлар тезкор тадбирлар ўтказиш хуқуқига эга бўлган

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хуқуқий тартибга солишининг айрим жиҳатлари ёритилган, миллий қонунчилигимизда мавжуд муаммо таҳлил қилиниб, таклиф берилган. Шунингдек, ахборотга оиб хуқуқий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари тўғрисида фикр юритилган.

органларнинг доираси ва ваколатларини, вазибалари ва хуқуқларини, амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларини, уларни ўтказиш шартлари ва қоидаларини, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди[1]. Шунингдек, ушбу ҳужжатларда фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг кафолатлари, бундай фаолиятни амалга оширувчи ИИО ходимларининг ва уларга ҳамкорлик қилаётган фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳимояси чоралари, ушбу соҳадаги назорат шаклларини кўрсатади.

Мазкур ҳужжатларни тезкор-қидирувда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хуқуқий асослари деб



айтишимиз мумкин. Тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини юқоридаги тушунчалар билан қисман ва тўлиқ ўзаро боғлаш орқали, тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ахборот технологияларидан фойдаланишнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойилларини белгилаб берадиган қонунлар ва қонуности ҳужжатларида мавжуд бўлган қоидалар тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ушбу нормалар ахборот технологияларини яратиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг доираси ва ваколатларини белгилайди, уларни қўллаш шартлари ва қоидалари, уларни қўллаш натижаларидан фойдаланиш чегаралари ва тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг кафолатлари, ушбу соҳани назорат қилиш шаклларини белгилайди.

Одатда, илмий адабиётларда тезкор-қидирувнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи меъёрий-ҳуқуқий манбалар тизими тўртта даражага (гуруҳларга) бўлинади. Биринчи босқич Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; иккинчиси – қонунлар, шу жумладан "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" қонун; учинчиси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳужжатлари; тўртинчиси – Ўзбекистонда тезкор-қидирувни амалга

оширувчи органларнинг идоравий ва идоралараро норматив ҳужжатлари.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир", деб белгиланган.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқ принциплари маълум бир давлат томонидан қабул қилинган ва тан олинган бўлса, уларга қонунийликнинг мажбурий мезонлари бўлиб хизмат қиладиган умумий асослар сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасида таъкидланишича, "жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади". Айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқнинг тан олинган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Умумий мақсад – жиноятларни очиш, жиний процессуал ва тезкор-



қидирув қонунчилигини максимал мувофиқлаштиришни талаб қиладиган объектив омилларга хизмат қилиш эканлигини ҳисобга олсак, халқаро ҳуқуқнинг роли "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда акс эттирилиши керак. Мазкур қонуннинг таҳлили шуни кўрсатадики, у аллақачон ҳужжатларнинг халқаро норматив-ҳуқуқий қоидаларга эга. "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28¹-моддасида "Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва турдош халқаро ташкилотлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирларда иштирок этиши масалалари юзасидан халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади", деб белгилаб қўйилган. Қонуннинг 2-моддасида эса "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир", дейилган.

Шуни ҳисобга олиб, фикримизча, Қонуннинг 2-моддасини "Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқ принциплари ва халқаро шартномалар..." жумласи билан тўлдиришни таклиф этиш мантиқан тўғри.

Бундай қоидалар МДҲнинг бир қатор мамлакатларида тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларида кўрсатилган. Масалан:

Озарбайжон Республикаси тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 2-моддасида ҳуқуқий асослари қуйидагича кўрсатилган: "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Озарбайжон Республикасининг Конституциясидан, ушбу Қонундан, Озарбайжон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан, шунингдек, Озарбайжон Республикаси томонидан қўллаб-қувватланадиган халқаро шартномалардан иборатдир[2]";

Тожикистон Республикаси тегишли қонунининг 2-моддасида: "Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Тожикистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун, Тожикистон Республикасининг бошқа қонунлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Тожикистон Республикаси аъзо бўлган тегишли халқаро шартномалар[3]", деб белгиланган;

Украинаниннг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунда шундай дейилган: "Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Украина Конституцияси, ушбу Қонун, Украинаниннг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Украинаниннг прокуратура, Полиция, Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари, Олий мансабдор шахсларни ҳимоя қилишни бошқариш тўғрисидаги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва Украина иштирокчи ҳисобланган халқаро ҳуқуқий битимлар ва шартномалар ташкил этади[4]".

Миллий қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, ахборот технологияларидан



фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти уларнинг Ўзбекистон Республикасининг ягона ҳуқуқий тизимидаги ўрнини аниқлаш заруратининг мавжудлигидадир. Бунинг сабаби, ахборот муносабатлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қилади, шунингдек конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий тартибга солинади.

Умуман олганда, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган ахборот-ҳуқуқий нормаларига асосланади. Бироқ, унинг хусусияти бу ҳуқуқнинг кўплаб бошқа тармоқлари билан яқин ўзаро боғлиқлиги ва ушбу соҳаларга хос бўлган ҳуқуқий тартибга солиш усулларида фойдаланишидир. Бундан ташқари, адабиётларда ахборот-ҳуқуқий муносабатларининг элементлари сифатида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар бўйича консенсус мавжуд эмас.

Бу масалага Копылов В.А. қуйидагича ёндашади: ахборот жараёнларини амалга оширишда ҳуқуқий муносабатларга кирадиган субъектлар; ахборот-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда субъектларнинг фаолияти (ҳаракати, ҳаракатсизлиги) (масалан, эксклюзив ҳуқуқларни сотиб олиш, мулкӣ ҳуқуқларни топшириш, ахборот объектларини сотиб олиш ва сотиш, ахборот объектларини кўпайтириш ва тарқатиш ва бошқа шу каби ҳаракатлар); субъектлар боғлиқликда ахборот-ҳуқуқий муносабатларга

киришадиган объектлар (ҳуқуқий муносабатлар объектлари).

Ахборотга оид ҳуқуқий муносабатларининг объектлари (ахборот объектлари)га қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ҳужжатлаштирилган маълумотлар, ахборот ва ахборот хизматлари;

- ахборот хавфсизлиги элементлари (ахборот ҳуқуқи ва шахснинг эркинликлари, шахсий дахлсизлик ҳолати, ахборот хавфсизлиги, ахборот ресурслари, ахборот ва бошқалар);

- ахборот технологиялари ва уларнинг фаолиятини таъминловчи воситалар (шу жумладан компьютер дастурлари), ахборот соҳасидаги бошқа объектлар;

- ахборот жараёнларини амалга оширишда ҳуқуқий муносабатлар (субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги).

Рассолов М.М. ва Тихомиров Ю.А. ахборот ҳуқуқий муносабатларининг элементлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак деб ҳисоблашади: ахборот ҳуқуқи субъектлари, ахборот ҳуқуқи объектлари, ахборот ҳуқуқлари (ваколати) ва ахборот мажбуриятлари.

Юқоридаги қоидалар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш, ахборот технологиялари ахборот ҳуқуқий муносабатларининг объекти сифатида таснифланиши керак деган хулосага келишга имкон беради.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув вазибаларини ҳал қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш билан



боғлиқ фаолияти баъзи хусусиятларга эга.

Биринчидан, ушбу фаолият жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш ва очиш; уларни тайёрлаган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш вафош қилиш; суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинаётган, жиной жазодан бўйин товлаган, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш; Ўзбекистон Республикасининг давлат, ҳарбий, иқтисодий ёки экологик хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатлар ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисида маълумот олишга қаратилган.

Иккинчидан, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятдан фарқли ўлароқ, ахборот технологияларидан ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида фойдаланиш керак;

Учинчидан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ички ишлар органларининг бошқа фаолият турларидан фарқли ўлароқ, мазкур технологиялардан фойдаланадиган шахсларга бирон-бир рўйхатга олиш ҳужжатларини бериш билан боғлиқ эмас.

Фуқаролар ва ички ишлар органлари ўртасида ички ишлар органларининг вазифаларини ҳал қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланадиган ходимлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўзаро муносабатлари ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинганлиги сабабли, улар ҳуқуқий муносабатлар деб таснифланиши керак.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни // Электрон манба: <https://www.lex.uz/docs/2107763>
2. Озарбайжон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1999 й.
Электрон манба: <https://www.legal-tools.org/doc/7871f5/pdf/>
3. Тожикистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2011 й.¹
Электрон манба: http://ncz.tj/system/files/Legislation/687_ru.pdf
4. Украина Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1992 й.
5. Электрон манба: <http://consultant.parus.ua/?doc=005Z305943>